

Тежамкор бўлсак: УЙИМИЗ ҲАМ ЁРУҒ, ЮЗИМИЗ ҲАМ

Бу дунёда ҳамма нарсанинг охири бор, жумладан, табиий ресурсларнинг ҳам. Шунинг учун уларни тежаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бирига айланган. Йилдан-йилга энергия ресурсларига талаб ошиб бораётган замонда улардан оқилона фойдаланиш, исрофгарчиликни камайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.



▼ Бугуннинг гапи

Хабарингиз бўлса, “Энергия самарадорлигини ошириш соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш ва энергия сервис компаниялари хизматлари бозорини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди. Унга кўра, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Энергия самарадорлиги миллий агентлиги ташкил этилди. Энергия самарадорлигини ошириш соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, соҳада рабатлантирувчи ва таъсир этувчи чоралар ишлаб чиқиш ва тартибга солиш Агентлигининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди.



Янги тартиб асосида хонадонларнинг энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ва исрофдан тийилиш тизими жорий қилинади бўлди.

Хуш, энергияни қандай тежаш мумкин? Бу борада нималарга амал қилиш лозим?

Авваламбор, хонадонларимизда электр энергиясидан фойдаланишда самарадорликни ошириш учун биз айнан қайси мақсадларда қандай қурилмалар томонидан кўпроқ электр энергияси истеъмол қилинаётганини билишимиз лозим бўлади. Баъзи хонадонларда бу ёриткич чироклари, баъзиларида кир ювиш машина-

лари. Ёки бошқа қурилмалар томонидан кўп миқдорда электр энергияси беҳуда истеъмол қилинаётган бўлиши мумкин. Шу боисдан биз ўзимиздаги қурилмаларни самарадорлигини кўриқдан ўтказишимиз лозим. Айнан қурилмалар мисолида айтиладиган бўлсак, ёритиш қурилмаларидан фойдаланганимизда ҳозирда чўлғанма лампалардан фойдаланиш деярли тўхтатилган. Баъзи ҳудудлардагина бўлмаса умуман барча жойда лед лампалардан фойдаланилмоқда. Улар чўлғанма лампаларга қараганда анча самарадор. Лекин шундай бўлса ҳам баъзан одам бўлмаган, иш фаолияти давом этмаётган жойда ёриткичларни мақсадсиз ёқиб қўйиш ҳолатлари учрамоқда.

2

▼ Жараён

ЯНГИ ДАВРНИНГ ЯНГИ ХОДИМЛАРИ

“Маҳалла еттилиги”да ижтимоий ходимнинг ўрни ва аҳамияти

Сўнгги йилларда давлатимиз ижтимоий ҳимоя тизимида амалга оширилган ислохотлар инсон омилига алоҳида эътибор қаратишни талаб қилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан маҳалла даражасида ижтимоий хизматларни ташкил этиш ва уларни фаол амалга ошириш – халқ билан бевосита мулоқотни таъминлашга қаратилган муҳим қадамлардан бири бўлди.

Бу йўналишда “маҳалла еттилиги” концепцияси жорий қилинди. Яъни ҳар

бир маҳаллада фаолият юритаётган етти асосий мутахассис – маҳалла раиси, хотин-қизлар фаоли, ҳоким ёрдамчиси, ёшлар етакчиси, ижтимоий ходим, профилактика инспектори ва солиқ инспектори вакиллари ўзаро ҳамкорликда ишлаш орқали аҳоли муаммоларига комплекс ёндашуви таъминлашмоқда.

2



Viloyat bo'ylab

Seulda O'zbekiston-Koreya turizm forumi bo'lib o'tdi. Unda viloyatimiz vakillari ham ishtirok etishdi. Forumda TOSHKENT viloyatining turistik salohiyati, milliy an'analari va taomlar faol targ'ib etildi. Bruney davlati bilan gastronomik va madaniy kunlarni o'tkazish bo'yicha kelishuvga erishildi.

“Toshkent viloyati shahar va tumanlarida ichimlik va oqova suv tizimlarini qurish va rekonstruksiya qilish” loyihasi doirasida keng ko'lamli ishlar olib borilmoqda. Loyihaning 1-bosqichi doirasida diametri 200-800 mm. bo'lgan, jami 74,57 km. uzunlikdagi oqova suv tarmoqlari va kollektorlarini qurish, rekonstruksiya qilish va tozalash ishlari rejalashtirilgan.

BO'STONLIQ tumanidagi dam olish maskanida “Pahlavon Mahmud – Bahodirlar o'yini” xalqaro turniri doirasida navbatdagi yirik sport va turizm tadbiri – “Farhod Challenge Strongmen Festival” bo'lib o'tmoqda. Mazkur musobaqada, dunyoning 20 mamlakatidan eng kuchli, professional shug'ullanadigan bahodirlar ishtirok etmoqda.

ANGREN shahar prokurori Allayor Xayridinov boshchiligidagi “Bobotog” mahallasida keng ko'lamli obodonlashtirish ishlari amalga oshirildi. Ko'p qavatli uylar atrofidagi darxtarlarga shakl berildi, zarur texnika vositalari jalb qilinib, chiqindilar olib chiqildi. Hududni tartibga keltirish izchil davom etishi bo'yicha mas'ullarga topshiriqlar berildi va amaliy yordam ko'rsatildi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti maslahatchisining birinchi o'rinbosari P.Bobojonov mavjud ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni o'rganish, mahallalarda aholi muammolarini aniqlash va hal etish maqsadida BO'KA tumanida bo'ldi. Tumanda aholi bandligini ta'minlash, kambag'allikni qisqartirish, mahallalarda “Obod xonadon – obod ko'cha – obod mahalla” mezonlarini joriy etish, tomorqachilik, tadbirkorlikni rivojlantirish masalalarini nazoratga oldi.



▼ Муносабат

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Бугун юртимизда “Янги Ўзбекистон – инвестициялар учун катта имкониятлар мамлакати” деган тамойил ўзининг амалий натижаларини кўрсатмоқда. Бунинг исботини пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг тўртинчи бор халқаро инвестиция форумига мезбонлик қилганидан ҳам англаш мумкин.

Зухра МИРҒОЗИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати



Эътиборлиси, халқаро ҳамжамиятнинг аънаёнага айланган мазкур форумга бўлган қизиқиши йилдан-йилга ортиб бормоқда. 2022 йилда илк бор ўтказилган форумда 56 давлатдан 1,5 мингдан ортиқ делегатлар иштирок этган бўлса, сўнгисидан 100 га яқин давлатдан 7,5 мингдан ортиқ делегат, 3 минг нафар хорижий меҳмонлар қатнашди. Албатта, бу оддий статистик рақамлар эмас. Бунинг ортида Янги Ўзбекистоннинг орта қайтмас қатъий сиёсати бўлган ишонч, мамлакатимизда кафолатланган барқарорликнинг қарор топлани, Инсон қадрли устуворлик касб этганига бўлган ҳурмат, юртимизнинг дўстона ва тинчликсевар сиёсати, хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар

билан йўлга қўйилган чинакам ҳамкорликнинг ифодасидир.

Сўнгги йилларда дунёнинг нотинч бўлиб бораётгани, глобал хавфсизлик ва барқарорликка бўлган таҳдид тобора жиддийлашаётгани ҳақида бежиз кўп гапирилмаяпти. Бундай ҳолатлар шубҳасиз, дунё иқтисодиёти ривожига салбий таъсир кўрсатмоқда, давлатлар ўртасидаги узоқ йиллик ҳамкорлик занжирларининг узилишига сабаб бўлмоқда. Биргина мисол, 2024 йилда глобал иқтисодий ўсиш 3,3 фоизни ташкил этган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткич 2,8 фоиз бўлиши кутиляпти. Ҳатто ривожланган давлатларда ҳам иқтисодий кўрсаткичлар кескин пасайганини кўриш мумкин.

(Давоми 3-саҳифада) ▶

▼ Минбар

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ FOB

Коррупция кенг қамровли тушунча бўлиб, у жамиятнинг айрим қатламлари, гуруҳлари кундалик фаолиятига айланиб, ўзаро бир-бирига боғланиб кетган. Мазкур иллат бугун ўзбек жамиятининг ривожланишига, хусусан, демократик янгиланиш ҳамда модернизациялаш жараёнига ҳар жиҳатдан халал бермоқда.

Коррупция муаммолари билан шуғулланувчи “Transparency International” халқаро ташкилотининг ҳисоб-китобларига кўра, ҳозирги кунда дунёда коррупция ва порахўрлик натижасида йилига бир триллион доллардан ортиқ маблағ ўзлаштирилган экан.

Дунёнинг илгор давлатлари коррупцияга қарши жиддий чора-тадбирларни қўллаш билан бир қаторда, халқаро миқёсдаги дастурларни амалга оширишда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Миллий тараққиётга тўсиқ бўлиб келаётган коррупцияни бартараф этиш йўлида давлатимиз томонидан дадил қадамлар ташланмоқда. Энг асосийси, коррупцияга қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан биргаликда халқи-

миз ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

Янги Ўзбекистонни коррупциядан холи, соғлом, шаффоф жамиятга айлантириш – давлат сиёсатининг бош мақсади. Кейинги тўққиз йилда коррупцияга қарши курашиш борасида жуда катта қўнғийи база яратилиб, тарғибот-ташвиқот ишлари мунтазам олиб борилмоқда.

Ҳар бир қонун яхшиликни қўзлаб, эзгу мақсадда қабул қилинади.

2017 йил 3 январь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонун ана шундай тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлардан биридир. Унда коррупцияга қарши кураш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда кенг қамровли чора-тадбирлар белгиланган.

(Давоми 3-саҳифада) ▶



Лимонларда унаётган миллионлар

▼ Томорқачилик

Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, кўчат ва уруғликни етказиб бериш бўйича вилоятимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хабарингиз бор, жорий йилда ҳудуддаги 118 мингдан зиёд аҳоли хонадонларининг томорқа ерларида лимон ва узум кўчатлари экиш оммалаштириляпти. Бу жараёнда томорқа хизмат корхоналари, фермер хўжаликлари ва бошқа тadbirkorлик субъектлари аҳолига қўмаклашади. Режага кўра, мазкур йўналиш учун Урта Чирчиқ тумани ҳам танлаб олинган. Бугун туманининг “Роватак” маҳалласида “Бир маҳалла – бир маҳсулот” тамойили асосида юзга яқин хонадонларда лимон кўчатлари етиштирилмоқда. Бириктирилган банклар ёрдамида иссиқхоналар қурилиб эгаларига топширилмоқда.

Дарҳақиқат, мазкур ҳудудда истиқомат қилаётган уста-деҳқонлардан Баҳодир Саидамиров, Хонпошша Аҳмедова, Маҳмуд Абдурасуловларнинг тажрибаси маҳалладошлари бошлаган ишга мадад бўлади, десак муболага бўлмайди. Айниқса, бугун Баҳодир Саидамиров етиштирган лимонларини хорижга экспорт қилаётгани маҳалла ёшларининг деҳқончиликдаги завқини янада оширмоқда.

2



Сасица КЕНГ ЙӰЛ

Зиёдбек ЙЎЛДОШЕВ
вилоят Камбағалликни
қисқартириш ва бандлик
бош бошқармаси бошлиғи

ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

Геосиёсий зиддиятларнинг кучайгани фонида Марказий Осиё давлатлари, жумладан, Ўзбекистон иқтисодиёти ўтган йили 2023 йилга нисбатан 6,5 фоизга ўсгани эътиборга молик. Бу шубҳасиз, давлатимиз томонидан узоқни кўзлаб юритилаётган оқилона сиёсат ифодаси, халқимизнинг Янги Ўзбекистон ислохотларига бўлган ишончи намунаси. Кейинги йилларда ривожланган давлатларнинг юқори мартабали расмийлари, халқаро ташки-

диган муҳим таклиф ва ташаббусларни илгари сурдики, улар иштирокчилар томонидан ҳам бир овоздан маъқулланди.

Давлатимиз раҳбари таъкидланганларидек, инвестициялар — фақат иқтисодий тараққиётнинг эмас, балки тинчлик ва барқарорлиқнинг кафолатидир! Келинг, биргаликда шундай инвестиция муҳитини яратайликки, у даромад келтириш билан бирга, инсон қадрини улуғлайдиган, унинг ҳаётини манфаатларини таъминлайдиган ва



лотлар раҳбарлари, бизнес оламининг йирик намоёндаларининг Ўзбекистонга серкатнов бўлиб қолганининг сабаби ҳам шунда, аслида.

Шу жиҳатдан тўртинчи Тошкент халқаро инвестиция форуми кутилганидан ҳам самарали бўлди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев форумдаги нутқда нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё, балки дунё иқтисодиёти ривож, барқарор тинчликнинг қарор топишига хизмат қилади (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

жамият равнақига хизмат қиладиган мустаҳкам пойдеворга айлансин!

Зеро, биз учун инвестиция — фақатгина молиявий манба эмас. Бу — технология, билим, малакали кадрлар, халқаро ишлаб чиқариш занжирига қўшилиш, яъни, ҳақиқий тараққиёт демакдир. Ўзбекистон мана шундай эзгу гоғлар билан келадиган хорижий инвесторларга барча шароитларни яратиб беради, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди ва буни кафолатлайди.

“Transparency International” халқаро ташкилотининг “Коррупцияни қабул қилиш индекси” рейтингига кўра, Ўзбекистон сўнгги йилларда минтақадаги тез суръатларда соғломлашиб бораётган давлатлар қаторида эътироф этилган.

Шундай давлатлар борки, уларда пора олишни шунчаки “жамоатчилик ахлоқи нуктаи назарига тўғри келмайди”, деб ҳисоблашади. Дания ва Финляндия давлатлари бунга мисол бўла олади.

Шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг эркин ва дадил фаолияти орқали жамият ҳаётини демократлаштириш, одамларни мустақил фикрлаб яшашига ундаш, жамоатчилик назоратини янада кучайтириш шарт ва зарур.

Коррупцияга қарши курашишни тўлақонли, сифатли, талаб даражасида амалга оширсак, жамиятимиз равнақи илдам олға боради.

Айни шу тамойилни суд соҳасида ҳам кўриш мумкин.

Коррупция билан боғлиқ жиноят ишлари Тошкент вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати ва туман (шаҳар) судлари миқсолида таҳлил қилинганда, жорий йилнинг ўтган уч ойида жами 458 нафар шахсга нисбатан 245 та иш келиб тушган бўлиб, 214 нафар шахсга нисбатан 129 та жиноят иши қўрилган.

Қўрилган ишлар бўйича 199 нафар шахсга айблов ҳукми чиқарилган бўлиб, судланганларнинг 27 нафарига жарима, 55 нафарига ахлоқ тузатиш ишлари, 39 нафарига озодликни чеклаш, 51 нафарига озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган.

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Эътиборлиси, судланувчиларнинг 6 нафарини ҳоқимлик, 4 нафарини ҳуқуқни муҳофаза қилиш, 5 нафарини мактабгача таълим, 4 нафарини халқ таълими, 3 нафарини олий ва ўрта махсус таълим, 8 нафарини соғлиқни сақлаш, 8 нафарини Бандлик ва меҳнат вазирлиги, 10 нафарини тижорат банклари, 65 нафарини тадбиркорлик субъекти, 7 нафарини Молия вазирлиги, 6 нафарини қандастр агентлиги, 1 нафарини газтаъминот, 1 нафарини электр тармоқлари, 1 нафа-

идоралар, кенг жамоатчилар вакиллари томонидан тарғибот ва ташвиқот ишларини кўпайтиришни, ҳар бир фуқаронинг бу иллатга муросасиз бўлишини тақозо этмоқда.

Жорий йилнинг 5 март куни давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашининг йиғилишида иштирок этар экан, ҳар бир соҳада коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш, суд тизимида одил судлов сифати

Жорий йил 11 март куни Олий судда юқорида таъкидланган Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилишида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан мажлис бўлиб ўтди.

Унда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш бўйича ишлар натижадорлиги ва келгусидаги устувор вазифалар муҳофаза қилинди.

Мазкур йиғилишда Олий суд раиси судьялар ва суд ходимларига мурожаат билан чиқди.

Мурожаатномада таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари бизнинг олдимизга “халқчил ва адолатли суд тизимини яратиш” масаласини қатъий қўймоқдалар. Зеро, суд остонасига қадам қўйган ҳар бир инсон Ўзбекистонда адолат ҳукм сураётганига тўла ишонч ҳосил қилиши керак. Шу боис, ҳар биримиз ўз фаолиятимизни танқидий қўриб чиқиб, тегишли хулосалар қилишимиз зарур.

Судья аввало, ўз хизмат вазифаларини ҳалол ва виждонан бажариши, суд ҳокимиятининг нуфузини туширадиган ёки унинг ҳолислиги, мустақиллиги ва бегаразлигига шубҳа туғдириши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиши шарт.

Давлатимиз раҳбарининг “Судьянинг онгида — адолат, тилида — ҳақиқат, дилида — поклик ҳукмрон бўлиши керак”, деган пурмаъно сўзлари барчамиз учун ҳаётий дастуруламал бўлмоғи лозим.

Дарҳақиқат, бугунги кун судьяси жамиятда обрў-эътиборли, ўз билими ва адолати билан ҳурмат қозongan зиёли инсон. Судьянинг оиласи, фарзандлари, яқинлари, устоз ва шогирдлари у билан фахрланади.

Мухтасар айтганда, кўп йиллик изчил олинган таълим, билим ва малакасини ошириш учун ўз устида тинимсиз ишлаш ҳамда туну кун фидойилик ва касбга садоқат билан меҳнат қилиб эришилган юксак мавқени асраш, қадрига етиш лозим.

Фақат ҳалол, билимли, виждонли пок судья ва суд ходимининг бугуни хотиржам, эртаси порлоқдир.

Дилшод ТАДЖИБАЕВ,
Тошкент вилояти
суди раиси

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ҲОВ



рини сувтәминот ходимлари ташкил этади.

Коррупция билан боғлиқ жиноятларнинг туман-шаҳарлар кесимидаги таҳлили мазкур ҳудудларда коррупцияга қарши курашишни янада кучайтиришни, ҳуқуқни муҳофаза қилиш, ўзини ўзи бошқариш органлари, тегишли


ва самарадорлигини ошириш доимо диққат марказда бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, одил судлов сифати ва самарадорлигини ошириш, адолатни таъминлаш аҳолининг судга, давлатга ва олиб борилаётган ислохотларга ишончини мустаҳкамлайди.

Давлатимизнинг коррупцияга қарши курашишдаги одилона сиёсати, Президентимиз белгилаб берган йўналишлар ва вазифалар, шунингдек, Олий суд раҳбариятининг талаб ва тавсиялари жамланган Мурожаатни ҳар биримиз диққат билан тингладик. Мазкур Мурожаат доимо ёнимизда ва ёдимизда турмоғи лозим.

▼ Янги китоб

Қарийб уч минг йиллик тарихга эга бўлган кўҳна Пискент замини не-не олимлару фозилларга, авлиёлару назаркардаларга, савоб йўлида қақроқ ерларга сув келтирган саховатпеша инсонларга, нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳонда машҳур бўлган кураги ерга тегмаган алпқомат полвонларга бешик вазифасини ўтагани аини ҳақиқат.



Албатта, туман миқёсида эл эътибори ва эътирофига сазовор бўлган юзлаб инсонлар бор. Бирок барчани битта тўпламга жамлаш мушкул. Шу боис биринчи китобда туман ривожига муносиб ҳисса қўшган айрим зиёлилар ҳақида сўз юритилди.

Рисолани тартибладда “Пискент ҳаёти”, “Тошкент ҳақиқати” ва бошқа нашрларда босилган мақолалардан ҳам фойдаланилди. Айрим лавҳаларни мақола қаҳрамонларининг фарзандлари, шогирдлари ва яқинлари тақдим этишди.

“Барҳаёт сиймолар” номли

▼ Долзарб мавзу

АЁЛНИНГ ДАРДИ – ЖАМИЯТНИНГ ДАРДИ

Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида хотин-қизлар ва болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатлари алоҳида тоифага киритилади. Чунки бундай ҳолатларнинг олдини олиш ҳам, уларнинг оқибатларини бартараф этиш ҳам узига хос фарқли жиҳатларга эга. Экспертларнинг фикрича, оилавий зўравонлик бу нохуш вазиятларнинг шундай бир турики, уларга аёллар ва болалар эркакларга нисбатан кўпроқ дуч келади.



Тан олиш керак, ҳудудларимизда аёлларга нисбатан руҳий ва жисмоний зўравонликлар шу пайтгача ҳам содир бўлган, ҳозир ҳам гоҳ ошкора, гоҳ яширин давом этмоқда. Афсуски, бу огриқли муаммо нафақат оилаларда, балки айрим меҳнат жамоаларида ҳам кузатилиб турибди.

Айрим ҳамжамиятлар иддао қилганидек, бунинг сабаби аёллар ўз ҳуқуқларини билмаслиги эмас, балки уларнинг сабрлилиги, андишалилиги, фарзандларини етим бўлиб қолмаслигини уйлани сабабли келиб чиқмоқда.


Бу каби ҳолатлар жамиятнинг соғлом ривожланишига жиддий таҳдид солади. Бундай вазиятларда жисмоний, руҳий ва иқтисодий таъйиқ кўрган аёллар учун психологик ёрдам ҳаётда қайта йўл топиш имконини яратди.

Марказимизда хотин-қизлар учун белуп ва махфий психологик ёрдамлар кўрсатилмоқда. Бу хизматлар аёлларни айбламасдан эшитиш, уларга ишонч муҳитини

яратиш, стрессни енгиш ва руҳий барқарорлигини тиклаш, бунда индивидуал ва гуруҳли суҳбатлар, машғуллотлар ўтказилади. Зарурат бўлса, ҳуқуқшунослар билан ҳамкорликда иш олиб борилади. Шунингдек, зўравонлиқнинг гувоҳи бўлган болаларга ҳам алоҳида ёрдам кўрсатилади. Сабаби, аёлга ёрдам бериш — фақат у билан эмас, балки унинг фарзандлари, келажаги ва бутун жамият билан ишлаш демакдир.

Таъйиқ ва зўравонликка қарши курашда жамоатчиликнинг фаолиги ҳам жуда муҳим. Қўшнимиз, танишимиз ёрдамга муҳтож бўлса, бефарқ қолмаслигимиз керак. Ҳар бир оилада хотин-қизлар хавфсизлик, ҳурмат ва меҳр муҳитида яшаши учун ҳамкорликда ҳаракат қилишимиз шарт. Келинг, биргаликда зўравонликка йўл қўймаслик учун ҳаракат қилайлик!

Дилноза НУРИЛЛАЕВА,
Нурафшон шаҳар “Инсон”
ижтимоий хизматлар маркази
психологи



Ибрати бардавом пискентликлар

“Тошкент воҳасининг Х-ХII асрларда яшаб ижод этган 70 нафар алломалари орасидан пискентлик Бискандийлар талайгина эканлиги қувончли ҳодисадир, — деб ёзган эди зукко олим ва тадқиқотчи ёзувчи, марҳум Адҳам ҳожи Маматқулов “Пискент тарихидан лавҳалар” номли китобида. — Уларни номма-ном келтириш аини муддао эди. Аммо яқин ўтмишда ўтган адабиётга дахлдор шоиру шоираларни ёдга олиш билан қийолянамиз. XIX аср вакили Абдулло Алавий 1903 йилда Пискентда зиёли оилада дунёга келади. У ўтган асримизнинг йиғирмачи йилларидаги ўзбек шеърляри, адабиётшунослиги ва тилшунослигида кўзга кўринган сиймолардан бирига айланади. Шунингдек, қатор халқона шеърлар ва халқ озғайлапарлари муаллифи бўлган Беҳруний номдаги мукофот соҳибаси, филология фанлари номзоди Музайяна Алавия ижодий мероси, шу жумладан, Дилафкорнинг серкирра ижод намуналари бугунги адабиёт муҳлислари учун ибратли мактаб вазифасини адо этмоқда”.

Пискентнинг кекса авлод вакиллари баракали ижод қилиб ўтган Маҳид Самадов, Шухрат Тоҳиев, Абдуҷаббор Мавлонов, Тўхташ Қосимов, Анвархон Аҳмедов, Замира Юсупова, Тоҳир Шомуродов ва бошқа бир қанча ижодкорларнинг номларини до-

имо алоҳида ҳурмат билан ёдга оладилар.

Бу азиз гўша нафақат эзгу ният билан қалам тебратаетган шоир ва шоиралари, олиму фозиллари, дунёга машҳур полвонлари, балки, бағрикенг устозлария, юртга таниқли шишкорлари билан ҳам маълум ва машҳур бўлган.

Яқинда “Муҳаррир нашриёти” томонидан “Барҳаёт сиймолар” (Умри ибратга тўла пискентлик инсонлар ҳаётидан лавҳалар) номли китоб чоп этилди.

“Нуроний” жамғармаси Тошкент вилояти бўлими раиси Абдусамат Носировнинг ташаббуси ва маслаҳати, Пискент тумани ҳокими Музаффар Ариповнинг қўмаги билан дунёга келган ушбу рисолада туманда яшаб, эл-юрт равнақи йўлида фидойилик билан меҳнат қилган пискентликлар ҳақидаги ибратли мақолалар жамланган.

Умрлар бўладики,
Тирик одам ўлиқдир,
Умрлар бўладики,
Ўлган одам тирикдир.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, маърифатпарвар шоир Мақсуд Шайхозданнинг ушбу сатрларида ҳаётини хизмат мужассамдир.

Дарвоқе, умр деган бебаҳо неъматдан биз қандай фойдаланяпмиз? Оптимиздан кейинги

авлодларга ибрат бўларли арзигулик из қолдирияпмизми?

Тарихда буюк ва улуғвор шахсларнинг ўрни ҳамиша эътироф этиб келинган. Ҳар замон ва ҳар маконнинг ўз қаҳрамонлари бўлади. Уларнинг бутун ҳаёти, фаолияти, куч-ғайрати ўзи тугилиб ўсган она замин учун фидодир. Кўҳна Пискентнинг ҳам ўз фидойилари, марди-майдон фарзандлари бўлган ва улар ҳозир ҳам бор.

Ҳар қил тарихий шахс билан боғлиқ маълумотлар ўрганилганда, унга ўзи яшаган даври нуктаи назаридан баҳо бермоқ керак. Ўз даврининг етук фарзандлари бўлган ушбу шахслар аъмоллида, биринчи навбатда, инсонийлик, иккинчидан, халқ манфаати устунлиқ қилган. Шунинг учун ҳам улар ҳаёти ҳақидаги ҳар қандай ҳикоя бугунги ёшларимиз учун ҳам ибрат, ҳам ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилади.

ТАҲРИРИЯТДАН: Дарҳақиқат, “Барҳаёт сиймолар” рисоласининг нашрга тайёрланиши ва чоп этилиши “Нуроний” жамғармаси Тошкент вилояти бўлими ва Пискент тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида жуда хайрли ташаббус бўлибди. Ёшлар маънавиятини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган бу каби ибратли ишлар вилоятимизнинг бошқа туман ва шаҳарларида ҳам давом эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

FIFA WORLD CUP
UNITED STATES-CANADA-MEXICO

Vatanni yurakdan uqqan o'g'lonlar

ABBOS FAYZULLAYEVA

Abbos, Sirdaryodan chiqqan o'g'lon, Onasi benazir tuqqan o'g'lon, Omadingni bersin Yaratgan o'zi, Vatanni yurakdan uqqan o'g'lon!

Abbos, g'ayratingga pirilar kuch qo'shsin, Butsangni ipini parilar ehsin, Meksika, Kanada maydonlarida, To'ping darvozalar to'rini teshsin!

O'TKIR YUSUPOVGA

O'tkir, sen ishonchni oqlaguvchisan, Hujumkor o'yinni yoqlaguvchisan, Alloh senga bersin yo'lbars shashtini, Yurtimiz sha'nini saqlaguvchisan.

ABDUQODIR HUSANOVGA

Abduqodir birga Manchester bilan, G'arb ahlin tanitdi ona Yer bilan. Bu yaqin o'rtada dunyo sherlari, Olishgani qo'rqar senday sher bilan.

ELDOR SHOMURODOVGA

Eldor Mundialda murodga yetsin, Tezliklari uchqur g'irotga yetsin. Shunday to'p sursinki Amriqolarda, Dovruqlari hatto Hirotaga yetsin!

RUSTAM ASHURMATOVGA

Rustambek, himoyang hujumdan kuchli, Bir o'zing o'n katta-uzundan kuchli. Sen qaytargan har bir to'pning lazzati, Parkentda yetilgan uzumdan kuchli!

ODIL HAMROBEKOVGA

Odil, to'p surasan oqillik bilan, Raqibni tepmaysan johillik bilan. Qancha ko'p mohirlar qarshingda bo'lsin, Ularni yengasan mohirlik bilan.

JALOLIDDIN MASHARIPOVGA

Buyuk Jaloliddin tarix madhida, Ruhi senda porlab, chaqrab turibdi. O'zbek shuhratining futbol sahnida, Bugun sening noming olib yuribdi.

HUSNIDDIN ALIQULOVGA

Husniddin, osmonga sakragan o'g'lon, Raqibga o'zbekning og'ir yukisan. Boshing zarba bersa, darvoza - nishon, Alining qulisan, futbol bekisan.

OSTON URUNOVGA

U bugun Eronda Rustami doston, Arslon yuragida gupumroqda qon. O'zbek sha'ni uchun surganida to'p, Shamolni orqada qoldirar Ostons.

OTABEK SHUKUROVGA

Otabek maydonda burgutning o'zi, Qaynaydi vujud, yonadi ko'zi. To'p tepsa mundial maydonlarida, Bir qarich o'sadi futbol nufuzi.

XOJIAKBAR ALIJONOVGA

Himoyachi, hujumkorlik jihati bor, Yuragida niyatlarining sihati bor. Qiyoslasak Karlosda ham, Kumanda ham, Hojiakbar ukamizning sifati bor.

ABDURAUF BO'RIYEVA

"Oq bo'rilar" tarkibida Bo'riyev bor, O'lo'lo' o'zi ishlariga bersin baror. Omad kelib u ham bir kun Barselona, Yo Realning tarkibida yozsin xumori.

FARRUX SAYFIYEVA

Farrux o'yin payti borin berib o'ynar, To'pni shaxmat donasidek terib o'ynar. Ko'zin bog'lab o'ynasa ham, vaziyatni, Qiyg'ir ko'zli ovchi kabi ko'rib o'ynar.

ERKIN HOJIMATOVGA

Erkin tezlik olsa quvib yetib bo'lmas, Erkin quvsa, undan qochib ketib bo'lmas. Uning terma jamoaga xizmatini, Tan olaylik, zinhor inkor etib bo'lmas.

UMAR ESHMURODOVGA

Maydonda bahodir Umar, shubhasiz, Umarda mukammal hunar, shubhasiz. Umarga duch kelgan Messi bo'lsa ham, Shashti bir lahzada so'nar, shubhasiz...

AZIZ TURG'UNBOYEVGA

Azizni maydonda to'xtatish qiyin, Undan to'p olishni o'rganish qiyin. Chiroyli gollarni ko'plar ursa-da, Azizbek urganga o'xshatish qiyin.

Terma jamoa bosh murabbiyi

TIMUR KAPADZEGA

Yosh avlodni Timur afsona qildi, Osiyoda tanho, yagona qildi. Endi mundialga, bosh jamoani Otasiga rahmat, ravona qildi.

Mustafo JO'RAYEV

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг тарихда биринчи марта энг нуфузли мусобақа – жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритганига бир неча кун бўлган эрса-да, унинг шукухи ҳамон юртимиз бўйлаб кезиб юрибди. Мазкур қувончли воқеликка маҳаллий ва хорижий футбол мутахассислари ўз муносабатларини билдиришмоқда.

ФУТБОЛНИ ЭМАС, ҲАЙРАТИМНИ ШАРҲЛАЙ ОЛМАЙМАН

Хайрулла ҲАМИДОВ,
футбол шарҳловчиси:

– Бу ғалаба хотирамда умр-бод муҳрланиб қолади.

Мундиаль йўлланмаси қўлга киритилган учрашувни шарҳлаш менга юклатилганида, ҳаяжондан нафас олишга ҳам қийналаёздим. Шарҳловчи сифатида терма жамоамизнинг кўп ўйинларини шарҳлаганман. Лекин, шу вақтга қадар ҳеч қачон БААга қарши ўйинда ишлаганчалик қийналмаганман.

Айниқса, учрашувнинг сўнгги дақиқалари ўтгани сари юракда ўзгача ҳис вулқон мисоли отилгудек эди. Бош ҳақамнинг ҳушлати янграганидан кейинги ҳолатимни эса сўз билан таърифлаб беролмайман. Қувончдан тилим айланмай қолди. Ахир, биз Марказий Осиё давлатлари орасида жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритган биринчи мамлакат сифатида шонли тарихга гувоҳ бўлаётгандик. Яхшиям, бахтимга шарҳловчилар хонасида ҳамкасбим Ориф Толипов бор экан. У шарҳни яқунлаб қўйди.

Барча ўзбек футбол хилосмандлари қатори мен ҳам болалигимдан терма жамоамизни жаҳон чемпионатида кўришни орзу қилардим. Бироқ, қайсидир вазиятда ўзимизнинг хатомиз сабаб, яна қайсидир лаҳзаларда омад туфайли орзу орзулигича қолиб келаётган эди. 2024 йилда Парижда ўтган ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритганимизда мундиаль онлари ҳам яқинлигини ич-ичимдан ҳис қилгандим. Шукур, ҳиссиётларим алдамади. “Бунёдкор” стадионида Қатарга қарши ўтган учрашувни бевоқифа майдоннинг ўзидан шарҳладик. Очиги, ўша кунги атмосфера, муҳлисларнинг қувончи, дронлар шоуси, айниқса, Ортбошимизнинг шахсан ўйингоҳга келиб, барчани бу кун билан табриклаганларини кўриб, ўзгача ҳисларга чўмдим. Олдинда бизни катта футбол байрами кутиб турибди.

Умид қиламизки, бу қувончли онлар мундиальда ҳам давом этиб, мазкур воқелик тарих зарваракларидан жой олади.



БИЗНИНГ КЎЧАДА ҲАМ БАЙРАМ БОШЛАНДИ...

Миржалол ҚОСИМОВ,
ОКМК клуби бош мураббийи:



– Ва ниҳоят, футболсевар халқимизнинг азалий орзуларидан бири амалга ошди. Бирлашган Араб Амирликларида бошланган байрам 10 июнь куни “Бунёдкор” стадионида авж нўқтага чиқди. Учрашувдаги атмосфера, муҳлислар юзидаги хурсандчилиқни кўриб, қувонч кўзёшларимни тийиб тура олмадим. Боиси, юртимиз байроғи остида мундиальда иштирок этиш футболчилик фаолиятини бошлаганимдан бери олдимга қўйган энг катта орзум эди.

Мазкур муваффақият ўзидан бўлиб қолгани йўқ. Бу йўлда босқичма-босқич ривожланиб бордик. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг барча спорт турларига, шу жумладан,

футболга бўлган эътибор орта бошлади. Терма жамоа шакллантирилди. Дастлаб, Осиё футбол конфедерациясига, кейин ФИФАга аъзо бўлдик. Таркибимиз жуда кучли эди. Ҳатто илк йирик нуфузли мусобақамиз – Хиросимада ўтган Осиё ўйинларида чемпионлиқни тантана қилдик. Ўшанда барчамиз 1998 йилги жаҳон чемпионатида чиқамиз, деган мақсадни олдимизга қўйгандик. Бироқ, айрим омиллар сабаб муваффақиятсизликка учрадик. Ундан кейин ҳам терма жамоамиз бир неча бор мундиальга яқин келганди. Ҳатто 2014 йилги жаҳон чемпионати саралашда мақсадимизга ҳар галгидан ҳам яқин бўлганмиз. Кечагидек эсимда, 3-саралаш босқи-

чининг сўнгги турида Қатарни қабул қилганмиз. Ўшанда терма жамоани бош мураббий сифатида майдонга бошлаб тушганман. Агар уларни 6 та тўп фарқи билан ютсак, жаҳон чемпионатида чиқардик. Афсуски, ўша баҳсда Қатарни 4 тўп фарқи билан (5:1) мағлуб этганмиз. Натижада, йўлланма биз билан бир хил очко тўплаган Жанубий Кореяга насиб қилган. Орадан 11 йил ўтиб, азалий орзумиз ушалди. Бу билан барчани муборакбод этаман.

ЯШАВОР, ОТАЎФИЛ!

Ҳикмат ҲОШИМОВ,
собиқ футболчи,
Абдуқодир Хусановнинг отаси:



– Бу воқеадан халқимиз қанчалик шод бўлган бўлса, мен улардан икки қарра кўпроқ бахтиёрман. Сабаби, тарих ёзган қаҳрамонлар орасида ўғлим Абдуқодир Хусанов ҳам бор. Футболчиларимизнинг жаҳон чемпионати иштирокчиси сифатида Қатарга қарши майдонга тушиб келишларини, халқимизнинг тинимсиз қўллаб-қувватлашларини кўриб, қувонч ёшларини тийиб тура олмадим. Тўп телишни бошлаган кезларимда бу кунга етишни орзу қилардим. Бироқ, футболчи сифатида ушбу орзу

ушалмаганди. Шукур, бугун фарзандим жаҳон чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилдиган бўляпти. Ота сифатида ўғлимнинг эришган ютуқларини кўриб туриб, ичимдан ўтаётган қувонч ҳисларини сўз билан таърифлаб бера олмайман. Айниқса, давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзлари фарзандимни “Ўзбекистон ифтихори” фахрий унвони билан тақдирлаганларини кўриб, қувончларим икки қарра кўпайди. Бу шунчаки эътибор эмас, балки Президентимизнинг спортга, ёшларга, ватанинг ҳар бир фидойи фарзандига юксак ғамхўрлигининг яққол намунасидир. Барча ота-она фарзандининг шундай юксак эътироф этилишини, халқ уни олқишлаб туришини кўришни хоҳлайди. Мен бугун ана шундай онларни кўрган бахтли отаман.

Шу ўринда, юртимизга олам-олам қувонч ҳадя этган футболчиларимизга раҳмат деб, зафарли юришларини мундиальда ҳам давом эттиришларига тилақдошман.

“ЎЗБЕКИСТОНГА КЎЧИБ КЕТАМАН!”

Ермухаммед МАУЛЕН,
футбол бўйича Қозоғистон термаси матбуот котиби:

– Беларусга қарши ўртоқлик ўйинининг 31-дақиқаси, биз 0:2 ҳисобида мағлуб бўляпмиз. Ҳалати хатолар қиялпмиз. Стадионда ўтирар эканман на кулишни, на йиғлашни келаман. Менимча, кулиш керак. Сабаби бу йиғлагандан кўра яхшироқ. Чунки сизларга янгилигим бор: Ўзбекистон термаси жаҳон чемпионатида



йўлланма олди, мундиальга! Ўзбек оғаларни табриклайман. Энди эса солиштириб кўришингиз мумкин: бизнинг футбол қаерда-ю, ўзбек фут-

боли қаерда? Бир марта подкаста айтгандим, нега ўзбек футболчи биздан ўтиб кетганини тан олгимиз келмайди? Ўзингизга ҳулосалар чиқаришингиз мумкин, биз Беларусга 0:2 ҳисобида мағлуб бўляпмиз, Ўзбекистон жаҳон чемпионатида чиқмоқда. Фикримча, термаимиздаги бирорта футболчи гол уришни истамаяпти. Бунга қандай чидаш мумкин? Бўлди, Ўзбекистонга кўчиб кетаман!

Вакилларимиз амалдаги Жаҳон чемпионларига қарши



Ушбу тайёргарлик жараёнида вакилларимиз дунёнинг бир қатор кучли терма жамоаларига қарши ўртоқлик учрашувлари ўтказишни мақсад қилган.

Хусусан, маҳаллий спорт нашрларининг маълум қилишича, Ўзбекистон терма жамоаси жорий йилнинг 20-28 октябри оралигида ФИФА кунлари доирасида амал-

Жаҳон чемпионати-га йўлланмани қўлга киритган футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мундиальга пухта тайёргарлик кўришни мақсад қилган.



даги жаҳон чемпионлари – Аргентинага қарши майдонга тушиши мумкин. Учрашув Америка қитъасида бўлиб ўтиши режалаштирилган.

Ўзбекистон бунга қадар Жанубий Америка қитъасидан Венесуэла, Боливия ҳамда Уругвай билан куч синашган.

Ўз муҳбиримиз



TOSHKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Muassis:

TOSHKENT
VILOYATI
HOKIMLIGI



“Toshkent haqiqati” va
“Tashkentskaya pravda”
gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV
(tahrir hay'ati raisi)

Abdusamad NOSIROV
Ummat MIRZAUQULOV

Hotamjon SAYDAHMEDOV
G'afurjon MUHAMEDOV

Sayyora FAYZIYEVA
Tohir ARIPOV

Mahmud TOIR
Azamat MIRZAYEV

Uskenbor ATEMOV
Abdulla XURSANOV

Shahboz NIZOMIDDINOV
Kumush EGAMBERDIYEVA

Olimjon BEGALIYEV
Behzod QOBULOV

Sergey MUTIN

Bosh muharrir:
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@uamail.uz

Mas'ul kotib:
Alloma AZIZOVA

Navbatchi:
Zikrilla MUHAMMAD

Ekspeditor:
Behruz NURBOBOYEV

Bosishga topshirish vaqti - 21.00.

Bosishga topshirildi - 19.00.

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-635.

4 170 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida

bosildi. Qog'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida

2011-yil 12-yanvarda

03-001 raqami bilan

ro'yxatga olingan.

Manzil:

111500, Nurafshon shahri,

Toshkent yo'li ko'chasi, 90.

Toshkent shahridagi

ofisimiz: Bektemir tumani,

Ittifoq ko'chasi, 2.

ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»

tahririyati kompyuter markazida

terildi va Tahir Mahmudxo'jayev

tomonidan sahifalandi.

Haftaning

chorshanba va shanba

kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida bosildi.

Korxona manzili:

Toshkent shahri,

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.